

**Мавзу: Пул айланмаси
ва унинг таркиби**

Пул айланиши тушунчаси

ПУЛ АЙЛАНМАСИ – бу пул маблағларининг нақд ва нақд бўлмаган шакллардаги ҳаракатидир.



Нақд пулсиз ва нақд пул ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган тўловларнинг йиғиндиси **пул айланиши**ни ташкил қилади


Иқтисодий тизимда товар ва пул айланишининг содда кўриниши.

Товарлар ва маҳсулотлар.

Товарлар ва маҳсулотларни сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар



Пул айланмасининг таркибий қисмлари.



ПУЛ АЙЛАНМАСИ СУБЪЕКТЛАРИ

- Давлат ва давлат муассасалари;
- Марказий банк;
- Кредит ва молия муассасалари;
- Мамлакат резидент ва норезидентлари;
- Корхона ва ташкилотлар;
- Бошқа муассасалар.



- **Пул айланмаси объекти** – товар ва товарсиз операциялар жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар , яъни айланмалар ҳисобланади.

- Товарли айланма;
- Товарсиз айланма;
- Бошқалар.



Пул айланмаси

- Бу-нақд ва нақдсиз шаклларда пул белгиларининг узлуксиз ҳаракатланиши жараёнини ўзида намоён қилади



Тўлов айланмаси

- Пул маблағлари ва пул бозори инструментлари ҳаракатларининг йиғиндисидир



Пул бозори инструментлари-тўлов айланмасини ташкил этади ва улар қуйидагилардир

- Облигатция;
- Векселлар;
- Депозит сертификати;
- Жамғарма сертификати.



“Нақд пул айланмаси” тушунчаси

- Нақд пул айланмаси - пулларнинг нақд кўринишдаги узлуксиз ҳаракатланиш жараёнидир.
- Ўзбекистонда нақд пул айланмаси Марказий банк томонидан ташкил этилади ва тартибга солинади



Нақд пул айланмасининг зарурлиги

- Бу айланмада пул ўзининг тўлов ва муомила воситаси функцияларини бажариши билан юзага келади.



Муомила воситаси сифатида:

Нақд пуллар аҳоли
билан ўзаро ёки
корхона, ташкилотлар
ўртасида, товарлар
сотиб олишда ва
сотишда қўлланилади



Тўлов воситаси сифатида:

Бунда пул иш хақи; нафақалар;
мукофотлар, якка тартибдаги
қурулиш учун бериладиган
кредитлар, суғурта тўловларини
ва бошқа тўловларни тўлашда
намоён бўлади



Нақд пул айланмасини ташкил қилиш принциплари

- 1. Нақд пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солишнинг меёрий-ҳуқуқий асосларининг мавжудлиги;
- 2. Барча корхона ва ташкилотлар ўзларининг нақд пулдаги маблағларини тижорат банкларида сақлашлари шарт;
- 3. Корхона ва ташкилотларга кассада кичик миқдорда нақд пул сақлаб туришга рухсат этилади;
- 4. Нақд пуллардан мақсадли фойдаланиш принципи.

Нақд пуллик айланма бу – нақд пул ёрдамида амалга ошириладиган тўловлар йиғиндисидир. Бу айланма пул ўзининг тўлов ва муомала воситаси функцияларини бажаришида юзага келади.

1

- коммунал хизматлар учун тўловлар
- маиший хизматлар учун тўловлар

2

- суғурта ташкилотларига пайларни тўлаш
- солиқнинг баъзи турларини тўлаш

3

- банк кредитини тўлаш
- акционерлик жамиятлари билан аъзолари ўртасидаги тўловлар ва бошқа тўловлар

Нақдсиз пул айланмаси тушунчаси

- Нақдсиз пул айланмаси – бу пул маблағларини тўловчининг банқдаги ҳисобрақамидан олувчининг ҳисобрақамига кўчириш шаклидаги ҳаракатларининг йиғиндисидир.



1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилган 3229 сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги» Низом мамлакатимиз банк ва хўжалик амалиётида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш тартибини белгилаб беради.
2. Мазкур Низом “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш тамойиллари

корхона ташкилотлар
ўз пул маблағларини
банкда сақлашлари
зарур.

Хўжалик субъектлари
ҳисоб китоб
шакллари эркин
танлашлари бунга
банк аралашмаслиги
зарур.

Барча нақд пулсиз
ҳисоб китоблар банк
орқали ўтиши керак.

Товарлар ва
хизматлар учун
тўловлар
тўловчининг
розилиги билан
амалга оширилади.

Тўловлар
хўжалик
органларининг
ҳисоб
варақасидаги
маблағлар
ҳисобидан ва
банк кредити
ҳисобидан
амалга
оширилиши
мумкин.

Маблағлар мол
сотиб олувчининг
ҳисоб варағидан
ўчирилгандан
кейин амалга
оширилади.

NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLARNING TAMOYILLARI

Birinchi tamoyil

Xo'jalik Subektlari o'z mablag'larini bankdagi schyotda saqlashlari va barcha operatsiyalarni bank orqali o'tkazishlari kerak.

Bir bankdan ikkinchi bankka o'tadigan to'lovlar banklarning "Nostro" vakillik hisob raqami orqali o'tadi. Ular

1. Vertikal vakillik hisob raqamlari

2. Gorizontal vakillik hisob raqamlari

NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLARNING TAMOYILLARI

Ikkinchi tamoyil

Naqdsiz pul aylanmasining me'yoriy-huquqiy asoslarining mavjudligi

O'zbekistonda naqdsiz pul aylanmasining qonunchilik asoslari quyidagilar:

O'z.Res.ning
Fuqarolik
Kodeksi

O'z.Res.ning
Markaziy Banki
to'g'risidagi
qonuni

O'z.Res.ning
Banklar va bank
faoliyati
to'g'risidagi
qonuni

NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLARNING TAMOYILLARI

Uchinchi tamoyil

To'lovchi va to'lovchining bankining likvidli bo'lishi

Bu ularning o'z majburiyatlarini pul mablag'lari bilan o'z vaqtida va to'liq to'lay olish qobiliyatini bildiradi.

Korxonalarining likvidligini baholashda quyidagi ko'rsatkichlardan foydalaniladi:

$$JLK=JA/JP$$

JLK-joriy likvidlilik
koeffitsiyenti

JA- joriy aktivlar

JP – joriy passivlar

Bu koeffitsiyentning eng past normativ darajasi **1,25** qilib belgilangan.

NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLARNING TAMOYILLARI

To'rtinchi tamoyil

To'lovchining roziligi bo'lishi kerakligi

Schyotlardan mablag'larni o'tkazish schyot egasining topshirig'iga binoan bajariladi.

Mijozlarning buyrug'isiz schyotlardagi pul mablag'lari faqat sud qaroriga binoan, qonunda belgilangan tartibda bank va mijoz o'rtasidagi shartnomaga asosan ko'chirilishi mumkin.

NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLARNING TAMOYILLARI

5

To'lovning
muddatliligi

6

Nazoratning
mavjudligi

7


Mulkiy javobgarlikning
mavjudligi

6

O`zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar
to`g`risida NIZOM
UMUMIY QOIDALAR

1 Mazkur Nizom kuchi naqd pulsiz hisob-kitoblarni amalga oshiruvchi yuridik va jismoniy shaxslarga – O`zbekiston Respublikasining rezidentlari va norezidentlariga tadbiq qilinadi

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари



Ўзбекистон Республикаси банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларни қуйидаги шаклларда ташкил этадилар ва амалга оширадилар:

1. мемориал ордер;
2. тўлов топшириқномаси;
3. тўлов талабномаси;
4. инкассо топшириқномаси;
5. аккредитивга ариза;
6. *тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки;*
7. *пластик карточкалар.*

- **1-сон картотека** — тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган балансдан ташқари ҳисобварақ;
- **2-сон картотека** — муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган балансдан ташқари ҳисобварақ;
- **аккредитив** — тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти;
- **акцепт** — тўловчининг, тўлов унинг ҳисобидан амалга оширилишига розилиги ёки қарздорликни тан олганлиги;
- **операция куни** — фармойишларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш амалга ошириладиган вақтнинг даври;
- **валюталаш санаси** — тўлов ҳужжати асосида пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказиш санаси;


- Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб – китоблар бўйича тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон республикаси тижорат банклари фаолиятида

нақд пулсиз ҳисоб – китоблар ичида тўлов топшириқномаси энг кўп қўлланиладиган ҳисоб – китоб шаклларида ҳисобланади.

- Бунга тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг тўловчи, сотиб олувчи ва ҳатто банк учун ҳам қулайлиги ҳисобланади.

I. – тўлов топшириқномаси, ушбу ҳужжат асосида миждоз сотиб олган товарлар ёки хизматлар учун ўз ҳисобварағидан маблағни тўлаш ҳақидаги топшириғини ўзига хизмат кўрсатадиган банкка беради;

2. Ўзбекистон республикаси тижорат банклари фаолиятидан ақд пулсиз ҳисоб – китоблар ичида тўлов топшириқномаси энг кўп қўлланиладиган ҳисоб – китоб шаклларида ҳисобланади. Бунга тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг тўловчи, сотиб олувчи ва ҳатто банк учун ҳам қулайлиги ҳисобланади.



- **Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб – китобларни амалга оширишда дастлаб сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида шартнома тузилиб, унда тўлов шакли ҳам келишилади**
- (1,2), сотувчи олдиндан умумий тўлов суммасининг 15 фоизини тўлагандан сўнг, товарларни жўнатади ёки хизматларни кўрсатади
- (3), сотиб олувчи шартномада келишилган суммани мол сотувчининг ҳисобрақамига ўтказиш мақсадида тўлов топшириқномани банкка тақдим этади
- (4), банкнинг масъул бухгалтер ходими тўлов топшириқномаларни тегишли назоратдан ўтказгандан сўнг маблағни электрон тўлов тизими орқали республика банкига жўнатади
- (5), республика акциядорлик тижорат Агробанкида электрон тўлов топшириқнома тегишли дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг сотувчининг банкига жўнатилади
- (6), электрон тўлов топшириқнома Агрбанкнинг Оқтош бўлимида маблағ сотувчининг ҳисобига кирим қилинади ва бу ҳақда унга хабар қилинади (7).

САНА	06.09.2007г.	
Туловчи	ЧП Худайбердиева Т.Ш.	Солик туловчининг коди 416609382
Туловчининг хисоб раками	20218000704628187001	
Туловчининг банки	Тошкент ш. "Ипак Йули" АИТБ УРИКЗОР Ф-Л	Туловчи банк коди 00999
СУММА	56500,00	
Олувчи	СК ЗАО "ALFA INVEST"	Солик олувчининг коди 0
Олувчининг хисоб раками	20214000504273606001	
Олувчининг банки	Тошкент ш. "Ипак Йули" Акциядорлик инновация тижорат банки	Олувчи банк коди 00444
Суз билан ёзилади	Пяьдесят шесть тысяч пятьсот сум	
Тулов максади	Передоплата 100%, за страховка авто. Сог. дог. №03/00/00-1158 от 29.08.2007г.	

Рахбар

Бош бухгалтер

кузда тугилмаган

Текширилди

Маъкулланди

Банкдан утказилди

М.У.

- **Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг қатор афзалликлари ва айрим камчиликлари мавжуд.**
- Афзалликлари – сотувчи бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан 15 фоизни олади;
- – пул тўловчи ташкилот товар олингандан ва хизматлар кўрастилгандансунг тўлов топшириқномасини банкка тақдим этади;
- – тўлов ҳужжатларининг, бошқа нақд пулсиз ҳисоб – шаклларига нисбатан оддийли ва тезлиги;
- – товарли ва товарсиз операцияларда қўлланилшининг мумкинлиги.
- Камчилиги – сотиб олувчи ҳисобварағида маблағ бўла туриб, ушбу суммани бошқа мақсадларга фойдаланиши натижасида сотувчи тўлов суммасини кечикиб олиши мумкин;

тўлов талабномаси

1.– тўлов талабномаси, ушбу ҳужжат асосида миждоз жўнатган мол ёки кўрсатган хизматлар учун тўловни мол сотиб олувчидан ундириб бериш ҳақида ўзига хизмат кўрсатадиган банкка тақдим этади;

тўлов талабнома

- Мол сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳақида шартнома тузилади, ушбу шартномада тўлов шакли ҳам келишилади
- (1), сотувчи товарларни жўнатгандан ёки хизматларни кўрсатгандан кейин
- (2) тўлов талабномани банкка тақдим этади
- (3), банкнинг масъул бухгалтери тўлов талабномалар белгиланган тартибга жавоб беришини назоратдан ўтказгандан кейин почта орқали сотиб олувчининг банкига жўнатади
- (4), банк тўлов талабномани акцептлаш учун сотиб олувчига жўнатади
- (5), сотиб олувчи ёзма равишда тўловни рад этмаса унинг ҳисобидан маблағни сотувчи ҳисобига ўтказиш ҳақидаги электрон тўлов талабномани республика банкига жўнатади (6).

- 6) банк сотувчининг ҳисобварағидан маблағни кўчиргандан сўнг бу ҳақда унга хабар қилади
- (7), ўз навбатида республика Агробанки электрон тўлов талабнома билан Косон бўлимининг вакиллик ҳисобварағидан маблағни Оқтош бўлимига ўтказди
- (8), Агробанкнинг Оқтош бўлими маблағни сотувчининг ҳисобварағига ўтказди ва бу ҳақда сотувчига тегишли ҳужжатларни тақдим этади

аккредитивга ариза

- **аккредитивга ариза**, мижоз сотиб оладиган товарлар ва хизматлар учун тўланадиган маблағларни депонентлаш ҳақида ўз банкига тақдим этадиган ҳужжат ҳисобланади;

- Аккредитивлар билан ҳисоб – китоблар, ҳисоб – китобларнинг аккредитив шаклида миждознинг (тўловчининг) топшириғига кўра маблағларни олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш учун маблағ маълум муддатга депонентланади.
- Аккредитив қопланган ва қопланмаган турларга бўлинади.
- Қопланган аккредитивда сотиб олувчи шартномада кўрсатилган маблағни миждознинг банкида очилган 22602 – “Миждозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари” ҳисобварағида депонентланади.

- Қопланмаган аккредитивда эса сотиб олувчи шартномада кўрсатилган суммани ўзининг ҳисобварағидан алоҳида ҳисобварақга депонентламайди, балки миждознинг банки унинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда тўлов кафолатини олади.
- Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида ушбу белги мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чақириб олинадиган ҳисобланади.

Инкассо топшириқномаси

- – Инкассо топшириқномаси, ушбу ҳужжат асосида Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган ташкилотлар тўловчининг ҳисобварағидаги маблағни унинг розилигини олмасдан тегишли манзилга ўтказиб бериш ҳақида банкка топшириқ беради, агар тўловчининг ҳисобварағида маблағ етарли ёки мавжуд бўлмаса инкассо топшириқномаси картотека 2 да ҳисобга олиб борилади;

● **Инкассо топшириқномалари банкка қуйидаги ташкилотлар томонидан тақдим қилиниши мумкин:**

1. ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказилмаган солиқдан ташқари тўловлар (пеня, жарималар)ни ундириб олишда солиқ идоралари;
2. бюджетдан ташқари фондлар – ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олишда, агарда бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;
3. божхона органлари – ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундиришда;
4. суд органлари уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;
5. молиялаштиришга ортиқча ўтказилган маблағларни қайтаришда, юқори молия органлари қуйи бюджет ташкилотларга, давлат кафолати остида берилган муддати ўтган кредитларни қайтаришда ва бошқа ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан инкассо топшириқномалари қабул қилинади;
6. қонуний ҳужжатларга асосан бошқа органлар.

ҳисоб – китоб чеки

- – ҳисоб – китоб чеки, асосан жисмоний шахслар ва савдо ташкилотлари ўртасида қўлланиладиган ҳужжат бўлиб, учинчи шахс, асосан савдо ташкилотлари чекдаги маблағни талаб қилиб ўз банкига тақдим этади;

мемориал ордер

- – мемориал ордер, ушбу ҳужжат банкнинг ички операцияларини бажаришда, шунингдек, шартномада кўрсатилган ҳолларда мижозларнинг ҳисобварақларидан маблағларни кўчиришда банк томонидан қўлланилади.

Пластик карточкалар

- Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда – савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб – китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.
- Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, бажариладиган операция қоидаларига амал қилишлари шарт.

- Битта электрон карточкада бир неча “электрон хамёнлар” жойлашган бўлиши мумкин.
- Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт:
 - а) идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар);
 - б) банк – эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;
 - в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми(ташкилот номи);
 - г) карточканинг амал қилиш муддати;

- Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб – китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутади:
- а) Ҳисоб – китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб – китоб асосда ўтказиш;
- б) Ҳисоб – китобларни ҳисоб – китоблар қатнашчилари томонидан ташкил этилган процессинг марказларидан кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб – китоблар суммасини ўтказиш.
- ЭТТ орқали пластик картачалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар бўйича ялпи ҳисоб – китоблар қилиш, қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- **Процессинг марказлари орқали ҳисоб – китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:**
- а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб – китоблар унинг қатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб – китобларда қатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади;
- б) ҳисоб – китоблар қатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб – китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб – китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;
- в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни мижозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

2021 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони



2021 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар суммаси




ЭТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ

Пул базаси ўз ичига
муомиладаги нақд пуллар ва
тижорат банкларини
Марказий банкдаги
мажбурий захирасида
сақланадиган пулларни
олади.

Мижозларини ҳисоб
рақамларидаги пул
қолдиқлари ва муомиладаги
нақд пуллар пул массасини
ташкил қилади.

Иқтисодиётда пулни
яратилиш жараёни ўз ичига
икки босқични олади:

- Биринчи босқичда пул
базаси шаклланади,
- Иккинчи босқичда пул
массаси шаклланади



Пул мультипликатори пул
массаси ва пул базаси
ўртасидаги муносабатни
англантиб, банк тизимида
мижозлар ҳисобрақамида пул
базасини кўпайиши
натijasидан, қанча пул
миқдори яратилиши кўрасатади.

Пул мултипликатори =
пул массаси / пул
базаси

Тижорат банкларининг
мижозларига ажратган
кредитлари ва Марказий
банкнинг тижорат
банкларига ажратган
кредитлари ўртасидаги
муносабати кредит
мультипликаторини
англатади.

Кредит мултипликатори =
тижорат банкларини
мижозларга берган
кредитлари / Марказий банк
томонидан тижорат
банкларига ажратилган
кредитлар

- Қиймат қонуни ва унинг муомала доирасида юзага чиқиш шакли – пул муомаласи қонуни товар-пул муносабати мавжуд бўлган барча ижтимоий тузумларга хосдир. Қиймат шакллари ва пул муомаласи тараққиёт йўлини таҳлил қилаётиб, К. Маркс пул муомаласининг қонунини очди. Бу қонунга асосан муомала воситаси функциясини амалга ошириш учун керак бўлган пул миқдори аниқланади.

Монетаристлар муомаладаги пул миқдори билан миллий иқтисодиёт доирасида сотилган товар ва хизматлар миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб беради. Бу боғлиқлик И.Фишернинг айирбошлаш тенгламасида ифодаланади:

$M * V = P * Q$ бу ерда

M-муомаладаги пул миқдори;

V-пулнинг айланиш тезлиги;

P-товар ва хизматларнинг баҳоси;

Q-товар ва хизматлар миқдори.

Айирбошлаш тенгламасидан $M = P * Q / V$ келиб чиқади; агар пулнинг айланиш тезлиги(V) бир хил бўлса, унда муомаладаги пул миқдори номинал ЯИМ миқдорига тўғри мутаносибликда бўлади.

И.Фишер тенгламасига кўра, V ва Q бирхил(доимий) бўлганда пул таклифининг ўзгариши баҳога бевосита таъсир кўрсатади: пул таклифи кўпайганда, унинг сотиб олиш қобилияти пасаяди, яъни баҳо ошади; лекин пул таклифининг кўпайиши ЯИМ миқдорининг кўпайиши билан бирга олиб борилса, унда баҳо ошмайди.

И.Фишер тенгламаси

$$MV=PQ$$

$$M=PQ/V$$

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқа-дорликни акс эттиради. Бу қонунга асосан муомала учун зарур бўлган пул миқдорини қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Пул муомаласи қонуни муомаладаги товарлар массаси, уларнинг нарх даражаси ва пул муомаласи тезлиги орасидаги иқтисодий алоқадорликни акс эттиради.

Реализация қилинадиган товарлар суммаси



Кредитга сотилган товарлар суммаси




Мажбурият-лар бўйича тўловлар суммаси



Бир-бирини қоплайдиган тўловлар суммаси

Пулнинг муомала ва тўлов воситаси сифатида ўртача айланиш тезлиги

Пул агрегатлари пул
маблағларини ликвидлилик
даражасига қараб ажратилган,
ҳар бир агрегат ўзида ўзидан
олдинги агрегатни
жамлаштиради.



Ўзбекистонда пул массаси қўйидаги таркибий қисмлардан иборат:

M_0

- нақд пуллар

M_1

- M_0 + счетлардаги пул қолдиғи + маҳаллий бюджет маблағлари + бюджет ва бошқа ташкилотлар маблағлари

M_2

- M_1 + Тижорат банкидаги муддатли жамғармалар

M_3

- M_2 + сертификатлар + мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари

Муомала учун зарур булган пул миқдорини камайтириш учун куйидаги чораларни амалга ошириш мухимдир:

- истеъмол кредитини ривожлантириш
- нақд пулсиз хисоб-китобларини ривожлантириш
- пулнинг муомала тезлигини оширишга эришиш .

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатининг асосий
инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:




Қайта молиялаштириш сиёсати

Ҳисоб ставкаси ёки қайта молиялаш ставкаси деб Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бунда Марказий банк ушбу воситадан фойдаланган ҳолда фақат молиявий ҳолати яхши бўлган банкларга кредит беради. Ҳисоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Ушбу фоизнинг камайиши тижорат банкларининг Марказий банкдан кўпроқ кредит олишига, уларда ортиқча захираларнинг пайдо бўлишига ва муомаладаги пул массасининг ўсишига олиб келади. Аксинча, ҳисоб фоизининг оширилиши натижасида тижорат банклари Марказий банкдан олган захираларини тезроқ қайтаришлари учун уларни сота бошлайди ва пировардида муомаладаги пул массаси камаяди.

Мажбурий захиралар сиёсати

Мажбурий захиралар кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар мижозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади. Захира нормаси икки асосий функцияни бажаради: банк ликвидлигини жорий тартибга солиш учун шароит яратади ва кредит эмиссиясини чеклайди. Марказий банк тижорат банклари Марказий банкда ушлаб туришга мажбур бўлган захираларнинг энг қуйи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча захиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади.

Мажбурий захира сиёсати



Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматли қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш бўйича операциялардир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматли қоғозларни сотиб олар экан, тижорат банклари захираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу захиралар пул базасига киради, яъни юқори қувватли пуллар бўлганлиги учун пул таклифи мультипликатив кўпаяди. Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан захираларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

Валюта сиёсати

Валюта сиёсати деганда Марказий банкнинг валюта муносабатларини тартибга солиш ва амалга ошириш соҳасидаги тадбирларининг мажмуи тушунилади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий классик инструментларидан бири ҳисобланади. **Жаҳон банк амалиётидан** шу нарса маълумки, валюта сиёсати, асосан, куйидаги сиёсатлардан иборат:

- *валюта интервенцияси,*
- *валюта захираларини диверсификация қилиш.*
- *валютавий чеклашлар,*
- *валютанинг алмашув даражасини бошқариш,*
- *валюта курсининг тартиби,*
- *девальвация,*
- *ревальвация.*

Пул маблағларини эмиссияси

Эмиссия	Бюджет эмиссияси	Кредит эмиссияси
Пул маблағларини эмиссиясини мақсади	Бюджет дефицитини қоплаш учун	Хўжалик субъектларини кредитлаш учун
Эмитент	Ҳазначилик	Марказий банк
Эмиссиянинг асослари	Пуллар муомала сферасида қолиб кетади ва пул муомаласи каналларини тўлдиради ва эмитентга қайтмайди	Пуллар муомала сферасида қолиб кетмайди, пул муомаласи каналларини тўлдирмайди, эмитентга қайтиб келади.
Пулларнинг таъминоти	Пуллар ҳеч қандай таъминотга эга эмас ва уларнинг қадри тушиб кетиши мумкин	Пуллар товар ва олтин билан таъминланган, қадри тушиб кетмайди.

Эмиссия методлари



Тўғри метод: давлат ўзининг харажатларини қоплаш мақсадида пул ишлаб чиқаради

Эгри метод: Марказий банк ҳукуматга бюджет дефицитини қоплаш учун кредитлар беради.